

Истихора намози (32-тавсия)



21:40 / 07.05.2017 48720

Жобир розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам бизга ҳамма ишларда истихора қилишни худди Қуръондаги сурадек ўргатар эдилар: **«Киши бир иш қилмоқчи бўлса, икки ракъат намоз ўқисин. Сўнг: «Аллоҳим, мен Сендан илминг ила истихора* қиламан. Сенинг қудратинг ила қудрат сўрайман. Сенинг буюк фазлингдан сўрайман, чунки Сен қодирсан, мен эса қодир эмасман, Сен билурсан, мен билмасман. Сен ғайбларни ниҳоятда билувчи Зотсан. Аллоҳим, агар бу ишни мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида», дедилар] яхши деб билсанг, уни менга тақдир қилгин. Агар бу ишни мен учун динимда, ҳаётимда ва ишимнинг оқибатида [ёки «ҳозирги ишимдаю келгусида», дедилар] ёмон деб**

билсанг, уни мендан нари қил, мени ундан нари қил. Ва менга қаерда бўлса ҳам яхшилиқни тақдир қил. Сўнгра мени ундан рози қил», десин ва ҳожатини айтсин».

Бухорий, Абу Довуд, Термизий, Насоий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

* Истихора сўзи луғатда «яхшисини сўраш, танлаш» деган маънони билдиради. Истилоҳда эса мусулмон киши икки ишдан қай бирини танлаш ёки бажаришга иккиланиб қолганида Аллоҳдан танлаб беришини сўраши, ўз қисматини Аллоҳга топшириши «истихора» дейилади. Ишларнинг яхшиси, мақбулини танлаш учун ўқиладиган икки рақъат нафл намоз «истихора намози» дейилади. Истихора дуосининг ўқилиши: **«Аллоҳумма, инний астахируука би ўилмик. Ва астақдирука би қудротик. Ва ас'алука мин фадликал ўазийм. Фаиннака тақдиру, ва лаа ақдир. Ва таўламу, ва лаа аўлам. Ва анта ўаллаамул ғуйуб. Аллоҳумма, ин кунта таўламу анна ҳаазал амро хойрун ли фий дийний ва маўаший ва ўақибати амри - ўажили амрий ва ўаажилиҳи - фақдурҳу лий ва ин кунта таўламу анна ҳазал амро шаррун лий фий дийний ва маўаший ва ўақибати амрий - ўажили амрий ва ўаажилиҳи - фасрифҳу ўанний васрифни ўанҳ. Вақдур лийал хойро ҳайсу каан, сумма роддиний биҳ»** («Олтин силсила» китобидан).

Истихоранинг фойдалари тўғрисида қуйидаги ривоятлар келган:

Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ азза ва жаллага истихора қилиш Одам боласининг саодатидандир»**, дедилар».

Имом Аҳмад, Абу Яъло ва Ҳоким ривоят қилишган.

*Имом Аҳмад: «Аллоҳ азза ва жаллага истихора қилмаслик Одам боласининг бахтсизлигидандир»*ни зиёда қилган ва «Санади саҳиҳдир», деган.

Изоҳ: Ушбу намозни ўқигандан кейин мазкур иш ҳақида ўйламай, Аллоҳ ихтиёр қиладиган нарса кутилади. Кейин кўнгилга тушиб, ўзига маъқул бўлиб, қилгиси келиб қолса, ўша иш қилинади. Бу ҳақда туш кўриш ҳам мумкин. Агар иш бир тарафга бўлмай, туриб қолса, истихора намози яна

қайтадан ўқилади. Қайта ўқиш етти мартагача бўлиши мумкин. Истихора намозининг биринчи ракъатида Фотиҳа сурасидан кейин Кафирун сураси, иккинчи ракъатида Ихлос сураси ўқилади.

Кўриниб турибдики, истихора намози ҳам бошқа намозлар каби бандани Аллоҳ таолога боғловчи омилдир, бир ишни қилмоқчи бўлганда Аллоҳ таолонинг ўзига ёлвориб, яхши йўл кўрсатишни сўрашдир. Бу маъно эса мусулмон киши ҳаётида намознинг ўрни қанчалар муҳим эканлигини яна бир бор кўрсатади. Мусулмон киши ҳатто қиладиган дунёвий ишида ҳам дунёнинг Холиқи ва Бошқарувчиси – Аллоҳ таолонинг Ўзидан маслаҳат сўраш имконига эгадир. Намоз ўқимайдиганлар эса бу улуғ саодатдан бебаҳрадилар, улар шайтоннинг маслаҳати билан иш қилишга мажбурдилар. («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан).

Муҳаммад Али Муҳаммад Юсуф тайёрлади.